




ТОШКЕНТ ОҚШОМЖИ

ШАХАР ИЖТИМОЙ СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ



ДАВР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 121 (9.465) 2000 йил 11 октябрь, чоршанба Сотувда эркин нархда

УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИ ЛЕОНИД КУЧМАНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифи билан шу йил 12-13 октябрь кунлари Украина Президенти Леонид Кучма расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади. Ташриф чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳоли ва истиқболдаги ривожига оид масалалар, айрим халқаро ҳамда минтақавий муаммоларнинг муҳокама қилиниши, шунингдек, қатор икки томонлама ҳужжатларнинг имзоланиши режалаштирилмоқда.

ЎЗИМИЗНИНГ ХОМ АШЁДАН

Бугунги кунда пойтахтимизда тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшишга интилаётганлар орасида аёлларнинг ҳам борлиги қувонарли ҳолдир. Ана шулардан бири шахримизнинг «Энг яхши тadbиркор аёли» Гулчехра Хабибулинадир.

У ташкил этган «Хабигул» хусусий фирмаси беш йилдан буюн фаолият кўрсатаётган бўлса, қарийб бир йилдан ошдики бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хусусий фирмада «Техноло» илмий ишлаб чиқариш бirlашмасида тайёрланган замонавий дастгоҳ ўрнатилган бўлиб, у орқали ювчи ва тозалаш воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

— Энг муҳими, фирмамизда ўзимиздаги фойдали қазилма ва минераллардан фойдаланиб сифатли маҳсулотлар тайёрлашга эришмоқдамиз, — дейди фирма раҳбари Гулчехра Хабибулина. — Ана шу боис ҳам **Тadbиркорлик** маҳсулотларимиз анча арзон. Яна бир фойдали томони уларга синтетик моддалар қўшилмайди, соғлиққа зарари йўқ, экологик тоза ўланлардан фойдаланилади. Шунингдек, аҳолига қулай бўлиши учун маҳсулотлар турли ўлчовларда қадокланади.

«ЭКСПО — ИТАЛИЯ-2000»

Ўзбекистонда оқилан кўрғазма ана шундай деб номланади. «Интерэкспо» компанияси Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан ҳамкорликда ана шу кўрғазманинг ташкилотчиси бўлди.




кил этмоқда. Италияда ишлаб чиқарилаётган ҳамма маҳсулотларнинг 80 фоизи кичик ва ўрта корхоналар улусига тўри келади. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам тadbиркорликни ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилмоқда. Айтганда, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 6 та ўзбек — италян қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу кўрғазма ўзаро янги манфаатларни излаш, ахборотлар айирбошлаш имкониятини тудирмоқда. Унинг сервис-марказида тўқимачилик, тикувчилик, озиқ-овқат, аграр сановати ва хизмат кўрсатиш соҳасига иқтисослаштирилган қўшма корхоналарнинг истиқболдаги бир қатор лойиҳалари ҳам қўйилган. Шу ўринда пахтадан қайта ишлаш билан боғлиқ иккита лойиҳа ҳақида тўхталиб ўтиш керак. Маълумки, ана шу лойиҳа хусусидаги фоя биринчи «Экспо — Италия» кўрғазмасидан кейин туғилган эди. Биз фикр юритаётган «Бобур-1» ва «Бобур-2» лойиҳаларининг қиймати шундаки бу лойиҳалар трикотаж буюмлари, дастурхонлар ва чойшаблар ишлаб чиқариш учун қалавалар тайёрлашни йўлга қўйишда асослади. Қўзда тутилган ишлаб чиқариш ҳажми бир йилда 3000 тоннага яқин калава тайёрлашдан иборат. «Интерэкспо» компанияси президенти Луиджи Ремизионинг сўзларига қараганда ҳар бир кўрғазма мамлакат бозоридagi ўзгаришларни кўздан кечиришга ва ўз навбатида унинг истеъмол жиҳатларини аниқлашга ёрдам беради. Италиялик тadbиркорлар «Экспо — Италия-2000» кўрғазмаси чоғида ўзбекистонлик шериклари эътиборини аниқ корхоналарга ва ишлаб чиқариш шўъбаларига қаратишни кўзгалди.

Кўрғазмага юздан зиёд турли фирмалар ўзларининг энг замонавий технологияларини, жиҳозларини, шунингдек тайёр маҳсулотларини — кийим-кечак, пойабзал, санитария-техника жиҳозлари, автомобиль жиҳозлари, ўйлар учун товарлар ва яна қўлпab бошқа маҳсулотларни қўйганлар. Иккинчи марта очилган ушбу кўрғазма шуниси билан киши диққатини ўзига тортдики, унда асосан кичик ва ўрта корхоналар иштирок этмоқда. Бу корхоналар ўзларининг нафақат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, балки ўрта муддатли ва узоқ муддатли инвестицияларга, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга, ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро манфаатли амалий алоқаларни ривожлантиришга ўз фаолиятларини йўналтирганлар.

ушбу кўрғазма доирасида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш муаммоларига бағишланган «Давра суҳбатлари» бўлиб ўтди. Уни Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси уюштирмоқда. Кўрғазмада маданий дастур ҳам эздан чиқарилмаган. Италия режиссёрлари яратган фильмлар томошабинлар эътиборига ҳавола қилинади. «Шебрага» меҳмонхонасида эса италян ошхонаси ҳафталиги ўтказилди.

СУРАТЛАРДА: «Экспо — Италия-2000» кўрғазмасида. **Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.**



МУҲИМ МАВЗУГА БАФИШЛАНДИ

Тadbиркорликни янада ривожлантириш, хусусий ишлаб чиқаришни такомиллаштириш иқтисодий юксалишимизнинг асосий омилларидан биридир. Тан олиш кераки, ҳали бу борада беъзи муаммолар ҳам йўқ эмас. Айниқса, баъзан ўринсиз текширишлар тadbиркорлик тараққиётига суянғи тўсиқлар қўйиш ҳеч кимга сир эмас. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги 1998 йил 19 ноябрдаги Фармони бу муаммони бартараф этишда муҳим роль ўйнаётганини таъкидлаш жоиз.

Хўш, ушбу Фармон ҳаётга қандай тadbик қилинапти? Миробод тумани назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ишчи комиссияси, Миробод тумани ҳокимлиги, Миробод тумани давлат солиқ инспекциясининг бўлиб ўтган навбатдаги семинари айнан шу мавзуга бағишланди.

Анжуманлар

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

Маълумки, сиёсий партиялар жамиятда қочаётган жараёнлар марказида турмуш турли жабҳаларда олиб борилаётган ислохотларни оммага етказувчи ўзига хос салоҳиятга эга.

Айни шу мақсадда Тошкент шаҳар ҳокимлиги республикадаги барча сиёсий партияларнинг шаҳар кенгашлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, даврий мизнинг энг долзарб масалаларни юзасидан давра-суҳбатлари, илмий-амалий семинарлар ташкил этиб келмоқда. Яқиндагина ана шундай учрашув Фидокорлар миллий Демократик партияси ёшлар қаноти билан ўтказилган бўлса, Халқ Демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳам ана шундай тadbир амалга оширилди. Виджон эркинлиги ва диний экстремизм масалаларига бағишланган илмий-амалий семинарда шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари ва партиянинг шаҳар ҳамда туман кенгашлари, шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари фаоллари иштирок этдилар. Семинар ишини Халқ Демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши биринчи котиби Л. Ғуломов олиб борди. Анжуманда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Р. Ақромов диний экстремистик оқимлар масаласи бораида тўхталиб, уларнинг моҳияти, гоилари, гаразли мақсадлари ва бундай оқимларга қўлгина ёшларнинг кириб қолиш сабабларини баён қилиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларнинг диний экстремистик оқимларга кириб кетишларининг олдини олишга, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг жорий йил тўққиз ой яқунлари ҳамда «Соғлом авлод» Давлат дастури қандай бажарилаётганига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг жорий йил тўққиз ой яқунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.
- Марказий сайлов комиссиясининг бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида бўша қолган ўринларга шу йил 22 октябрь кунини ўтказиладиган Олий Мажлис депутатлари сайловига тайёргарликнинг бориши ҳамда ушбу округлардан кўрсатилган номзодларнинг рўйхатга олиш масалалари, шунингдек Марказий сайлов комиссияси ваколати доирасидаги бошқа масалалар кўриб чиқилди.
- Самарқанд вилояти ҳокимлигида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- Олтириқ тумани пахтакорлари Фаргона вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик шартнома режасини бажарди. Туман деҳқонлари қабул пунктларига 28 минг 870 тоннадан ортиқ қимматбаҳо саноат хом ашёси етказиб берди.
- Кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасида Украина Президенти Леонид Кучманинг «Украин халқига ишонаман» китобининг тақдими бўлиб ўтди.
- Бугун Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Давлат тест маркази раҳбарияти билан 2000 йил тест синовлари якунларига бағишланган матбуот анжумани ҳамда «2000 йил тест якунлари таҳлилий материал» китобининг тақдими бўлиб ўтди.
- Қорақалпоғистон Республикасида «Анахита» деб номланган хайр-саховат жамғамаси ташкил этилди.
- Қўнда болалигидан қўлсиз бўлиб туғилган, лекин оёқлари билан расм чизувчи тўққиз ёшли Лутфилло Кодировнинг расмлари кўрғазмаси очилди.
- Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиалида янги замонавий теннис корти фойдаланишга топширилди.
- Эртага Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Япония элчихонаси раҳбарияти билан матбуот анжумани ва Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари доирасида «Кунчиқар юрт манзаралари» номли фото-кўрғазманинг тақдими маросими бўлиб ўтди.
- Кеча Қорақалпоғистондаги қадимий Бўстон шаҳрида «Жаҳон маданияти тарихи тизимида қадимий Хоразм цивилизациясининг тугган ўрни» мавзудаги халқаро симпозиум ўз ишини бошлади.
- Юртимизнинг олти нафардан иборат катта ёшли каратэчилар терма жамоаси вакиллари эртага Германиянинг Мюнхен шаҳрида ўтказиладиган расмий жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун жўнаб кетишиди.

Жаҳонда

- Кеча Остона шаҳрида Божжона иттифоқига аъзо бўлган давлатларнинг раҳбарлари ушбу ташкилотни Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қайта айлантириш тўғрисидаги шартномани имзоладилар.
- Бугун Бишкекда Хамдўстлик доирасида коллектив хавфсизлик кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви очилди.
- Боннда шериклик муносабатларини ривожлантириш доирасида «Бухоро билан маданий учрашув ҳафталиги» ўтказилди.
- Кеча Чехия Президенти В.Гавел ўзининг Туркияга биринчи расмий ташрифини бошлади.
- Кеча Афғонистонда болаларни шол касаллигига қарши эмлаш тadbирини ўтказиши муносабати билан уч кунлик яраш жараёни бошланди.
- Кеча Корея Халқ Демократик Республикасида Корея Меҳнат партиясининг 55 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.
- Бугун Озарбайжон мудофаа вазири С.Абиев Украинага келди. Бу ерда у украинлик ҳамкасби билан ягона тинчлик ўрнатувчи ГУУАМ — Грузия, Украина, Ўзбекистон, Озарбайжон ва Молдова батальонини яратиш режасини муҳокама қилди.
- Кеча Стокгольмда тиббиёт, физика ва кимё соҳасидаги Нобель мукофоти совриндорларининг номлари эълон қилинди. Бугун ва илдинга иқтисодиёт ва тинчлик соҳасидаги мукофот соҳиблари маълум бўлади.
- Англиянинг Бирмингем шаҳрида НАТОга аъзо мамлакатлар мудофаа вазирларининг норасмий учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Учрашувда улар Болкондаги вазиятни, Россия билан ўзаро муносабат истикболларини, халқаро терроризмга қарши кураш масалаларини муҳокама қилмоқдалар.
- Серб парламенти парламентни тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилди ва шу йилнинг декабрида янги сайловлар ўтказишни белгилди.
- Литвада бўлиб ўтган парламент сайловларида А.Бразаускасининг социал-демократик коалицияси галабага эришди.
- Америка Қўшма Штатларида армистлинг буйича бўлиб ўтган IV жаҳон чемпионатида иштирок этган 46 мамлакатнинг 370 нафар спортчиси қаторида Ўзбекистондан икки қарра жаҳон чемпиони Умида Аҳмедов, Юсуф Қодиров, Мирзохид Шаропов ва Елена Шафрановалар эришган муваффақият катта шов-шувга сабаб бўлди. Ўзбекистонликлар иккита олтин ва учта кумуш медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 46 жамоа ичда иккинчи ўринни эгаллашди.
- Мексиканинг шимоли-ғарбидagi АКШ чегарасидан унча узоқ бўлмаган Рейноза шаҳри аэропортида ҳалокат содир бўлди. Бу ерга қўнаётган самолёт обҳаво ноқулайлиги сабабли қўнғиш чизигидан чиқиб кетган ва яқин атрофдаги биноларни жиддий шикастлаган. Оқибатда беш киши ҳалок бўлиб, яна ўнлаб фуқаролар жиддий жараҳат оlishан.
- Сицилиялик 31 ёшли Маризилли Маццари Италиянинг машҳур аёлига айланди-қўйди. У уч соат давомида бир йўла саккиз чақалқон дунёга келтирди. Шифокорлар саккизинчи чақалқоннинг ҳаётини сақлаб қола олмади. Чақалқонлар жуда енгил. Улардан бирининг вазни атиги ярим килограмм келади.

Маълумки, эртага Ливанда футбол бўйича XII Осиё чемпионати ўйинлари бошланади. Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам ушбу нуфузли мусобақаларда голбиллик учун кураш олиб боради.

Футбол: Ливан — 2000

Дарвозабонлар: Павел Бугало («Алания»), Геррий Забиров («Нефчи»), Нармон Осмонов («Темирйўлчи»).
Химоячилар: Бахтиёр Ашурматов, Фейзи Давлатов («Дустлик»), Андрей Федоров («Рубин»), Сергей Лушан («Ростсельмаш»), Даврон Файзиев (ЦСКА — Москва), Абдумажид Тоиров («Нефчи»).
Ҳужумчилар: Шухрат Раҳмонкулов («Навбахор»), Миржалол Қосимов («Крылья Советов»), Александр Хаустов («Трактор»), Ньёматулла Қурбанов («Турон»), Отабек Шомуродов («Нефчи»), Мухтор Қурбанов («Дустлик»), Сергей Лебедев («Насаф»), Николай Шишов, Андрей Алопан («Ростсельмаш»).
Хужумчилар: Максим Шацких («Динамо» — Киев), Игорь Шкирин («Пахтакор»), Рустам Дурмонов, Умид Исоков («Нефчи»).
Мутахассислар: Этьерофина Ўзбекистон терма жамоаси иштирок этаётган «С» гуруҳи анча қучли деб ҳисобланмоқда. Чўнги гуруҳда ўзбек футболчилари Япония, Саудия Арабистони ҳамда Катар

терма жамоалари билан беллашадилар. Ўзбекистонлик футболчилар гуруҳ мусобақаларини 14 октябрда Катар терма жамоаси билан бошлайдилар. Худди шу кун Саудия Арабистони Япония билан беллашади. 17 октябрда эса Япония ва Ўзбекистон, Катар ҳамда Саудия Арабистони, 20 октябрда Саудия Арабистони Ўзбекистон билан, Япония эса Катар билан баҳслашади. Чорак финалга йўлланма олган жамоалар 23-24 октябрь кунлари ўзаро куч синатишади, 26 октябрда ярим финал, 29 октябрда эса финал учрашувлари ўтказилади. Биз кўп минг сонли ўзбек ишқибозлари номидан терма жамоаси вакилларига ушбу мусобақаларда муваффақиятли қатнашларини ва дийримизга аруч юз билан қайтишларини тилаб қоламиз. **Ақбар Йўлдошев.**

ТОШКЕНТ ОҚШОМЖИ
газетасига
2001 йил учун
обуна давом этмоқда!
Шаҳримиздаги барча алоқа бўлимларида «Оқшом»га обуна қабул қилинмоқда.

Хабарингиз борми?

Мувофиқлаштирувчи кенгаш — ҳаракатда

Хар бир ишлаб чиқарувчи, айниқса ўз шахсий ишини ривожлантиришга ҳаракат қилаётган тadbиркор учун хом ашё ва материаллар таъминотидан долзарб муаммо йўқ десак адашмаймиз.

Зеро, ахир-оқибатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ҳажми ва сифати, у билан ички истеъмол бозорини тўлдирish, экспортни кенгайтириш имконияти ҳам ана шунга боғлиқдир.

Ушбу масала шахар кичик ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш мувофиқлаштирувчи кенгашининг алоҳида назоратига олинади.

Кунги кеча ушбу кенгашнинг хом ашё ва материаллар бозори, тadbиркорлар маҳсулотини шакллантириш бўйича ишчи гуруҳининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Давлат мулки қўмитасининг худудий бошқармаси вакиллари, моддий-техника таъминоти бошқармаси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар шахар ва туман палаталари, кичик ва хусусий фирмалар вакиллари қат-

чи, новвойлик билан шугулланувчи тadbиркорлар ун, шахар, ўсимлик ёғини марказлашган тартибда ололмаяптилар. Саноат маҳсулотларини хусусий тартибда ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқарувчи корхоналар уларни бериш учун квота талаб этиши сабабли металл прокати, цемент, қувур, ойна, рангли металллар чиқиндиларини харид қилиш имкониятига доимо ҳам эга бўлавермайдилар. Шу муносабат билан шахар мувофиқлаштирувчи кенгаши кичик ва ўрта бизнес корхоналарини квоталаштирилган ва лимитланган материалларга чиқиш ишларини ташкил этиш тўғрисидаги ўз тақлифларини Республика Мувофиқлаштирувчи кенгашига тавсия этди. Бундан ташқари, кичик ва ўрта бизнесни 2001 йилда квоталаштирилган ва лимитлан-

ЙЎЛОВЧИЛАР ОҚИМИНИ ЎРГАНИШ ТАДБИРИ

Пойтахтимизда жамоат транспорти хизмати кўрсатиш, йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида кейинги йилларда бирмунча савй-ҳаракатлар қилинмоқда. Айниқса, шахримиз кўчаларида йўловчилар манзилни яқин қилаётган «Мерседес-Бенц» автобуслари, «Татра» троллейбуслари, «Шкода» трамвайлари ҳамда «Отайўл» кичик автобуслари ва улардаги қулайликлар сўзимизнинг яққол далилидир. Лекин шунга қарамай муаммолар ҳам етарли. Ана шу муаммоларни ижобий ҳал этиш, кейинги беш йил давомида жамоат транспорти ривожини режалаштириш мақсадида пойтахтимизда Тошкент шахар ҳокимлиги, «Тошшахарйўловчитранс» давлат уюшмаси ва уюшма қошида ташкил этилган «Ўзавтотранстехника» илмий ишлаб чиқариш бошқармаси биргаликда шу йилнинг 12 октябрида «Йўловчилар оқимини ўрганиш» тadbирини ўтказадилар. Ушбу тadbир, унинг аҳамияти, мақсад ва вазифалари хусусида «Ўзавтотранстехника» илмий ишлаб чиқариш бошқармаси муаммолар лабораторияси директори Обид Кўчқоров куйдагиларни гапириб берди:

қарор асосида жорий йилнинг бошларидан ўтказиладиган юқоридаги тadbирга тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. Бу 5 йилда бир мартаба ўтказиладиган тadbир санолиб, жамоат транспорти ишини қайта кўриб чиқишда, галдаги режаларни белги-



лашда катта аҳамият касб этади. Бўлиб ўтадиган тadbирга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 235-буйруғига асосан 10 минг нафар олий ўқув юрталарининг талабалари, 500 нафардан зиёд мураббийлар ва 150 нафар ўз ходимларимиз иштирок этишади. Ана шу мақсадда хар бир олий ўқув юртига 2-3 нафардан малакали мутахассислар бириктирилиб мунтазам ўқув машғулотлари олиб борилди. Бундай тadbир 1995 йилда ўтказилган эди. Бу сафаргисининг ундан фарқи шундаки, мутахассисларимиз ўз кучлари билан ўтказишмоқда. Аввалгисида эса Рос-

сия ва Голландия давлатларидан мутахассислар иштирок этишган эди.

Асосий мақсад Тошкент шахрида хар бир жамоат транспорти йўналишида хар бир соатда қанча йўловчи ташлаётганини аниқлаб, эрталабки ва кечки йўловчилар оқими кўпайган пайтдаги муаммоларни ўрганиб, кўшимча транспортлар кераклигини, қай пайтда йўналишлардаги жамоат транспортлари орасидаги йўналиш вақтларини белгилашни илмий асосланган равишда ҳал этиш имкониятига эга бўлишдир. Тadbир 2 сменада ташкил этилиб, айниқса, йўловчилар кўп бўладиган вақтда метро, автобус, трамвай, троллейбусларнинг оралик вақти аниқланади, шунга кўра йўл жадаллари тузилади. Шу билан биргаликда хар бир йўловчи кўнига неча километр юриш илмий равишда билиб олинади.

Энди ушбу тadbирнинг аҳамияти тўғрисида гапирсак, унинг натижаларига кўра кейинги беш йил ичидаги режалар тузилганда шахарда қандай йўналишлар очилсин, кўшимча жамоат транспортларини жалб этиш, баъзи маршрутларни ўзгартириш каби масалалар ҳал этилади. Энг муҳими эса ҳамшахарларимизнинг узогини яқин қилишга, намунали хизмат кўрсатиш чора-тadbирларини кўришга катта ҳисса қўшилади. Шахримизда жамоат транспортини ривожлантиришга замин яратилади.

Шу боис ҳам хурматли йўловчиларимиздан ҳам бу тadbирда фаол бўлишларини илтимос қиламиз. Тadbир талон усулида амалга оширилиб, талаба хар бир жамоат транспортга чиққан йўловчига уни тутқазида ва тушиб кетаётган бекатида уни қайтариб олади. Шу сабабли ҳам йўловчиларнинг бу тadbирга безътибор бўлмасликлари шахар йўловчи транспортини ишони янада яхшилашга ҳамда ўзлари учун яратиладиган қулайликларга қўшган катта ҳисса бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди.

ХОМ АШЁ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

нашган ушбу тadbирни Тошкент шахар ҳокимининг ўринбосари, истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармасининг бошлиғи Нодирхон Хонов олиб борди.

— Ишчи гуруҳи ташкил этилган вақтдан бошлаб, — деди жумладан ўз сўзида унинг раҳбари, истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармаси моддий-техник баланслар ва ташқи иқтисодий фаолият бўлимининг бошлиғи С. Дорохова, — муаммоларини аниқлаш ва умумлаштириш, уларга барҳам беришнинг аниқ йўлларини ишлаб чиқиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Бозор иқтисодиёти шароитларида моддий-техника таъминоти масалалари тўғрисида тўғри шартномалар тузиш ҳисобига ҳал этилади, бироқ бунда «Ўзулгужибиржасавдо» бўлимларининг ҳам сезиларли ўрни бор. Савдо-саноат ярмаркалари ва биржа орқали пойтахт кичик ва ўрта бизнесининг корхоналари 8750 миллион сўмлик хом ашё, материаллар, асбоб-ускуна ва анжомларни олишга муваффақ бўлдилар. «Тошнефтмаҳсулотлари» корхонаси томонидан ёнилғи-мойлаш материалларини олиш учун кичик ва ўрта бизнесга тааллуқли 346 та корхона ҳисобга киритилди ва уларга автобенгдек, дизель ёнилғиси, мазут учун лимитлар махсус ажратилди. 64 та талабнома бўйича табиий газга лимитларни ажратиш тўғрисидаги масала ҳам ижобий ҳал этилди. Тadbиркорлар шунингдек, Тошкент шахар ҳокимлигининг ташаббуси билан ўтказилган аънавий савдо-саноат ярмаркаси, «Тошкентнинг қурилиш индустрияси», «Минитех — 2000», «Ўзбекистон — сизнинг ишончли ҳамкорингиз» кўргазмалари давомида хом ашё, технологиялар, ярим тайёр масаллиқларни етказиб бериш учун шартномаларни тузиш имкониятига эга бўлдилар.

Шундай бўлса-да, таҳлилларнинг кўрсатишича кичик ва ўрта бизнес корхоналарини моддий-техник ресурслар билан таъминлаш борасида бир қатор ечимланган масалалар ҳам мавжуд. Масалан, миллий ширинликлар тайёрлов-

ган барча турдаги материаллар — ҳаммаси бўлиб 55 та асосий гуруҳдаги материаллар билан таъминланганининг истиқбол кўрсаткичлари ишлаб чиқилди ва ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига тақдимлаш учун топширилди.

Амалга оширилаётган ишлар тadbиркорлар керакли, эҳтиётсиз, сифатли маҳсулотларни чиқариши, пойтахтнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган. Ҳозирги кунда кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳиссасига умумшахар чакана товар айланмасининг 60 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 24 фоизи, қурилиш ишларининг 23 фоизи тўғри келади. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи ичида кичик ва ўрта бизнес корхоналари томонидан 7770 миллион сўмлик ишлаб чиқарилган маҳсулот сотилди.

Маъруза юзасидан муҳокамаларда ҳамма тadbиркорлар ҳам ўз буюртмаларини фаол топширган ҳолда шахар мувофиқлаштирувчи кенгашига ёрдам сўраб мурожаат қилмаётганлиги ва негадир «ўз ёғларига ўзлари ковурилиш»ни истаётганликлари алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бироқ бундай масъулиятсизлик хом ашё муаммоларининг ечилмай қолишига олиб келади. Йиғилишда «Озода Ойдин», «Истиқлол жилоси», «Ҳабибулло», «ПГО», «Шоҳ Бекобод», «Раҳмат», «Агама» ГТФ хусусий фирмаларининг раҳбарлари томонидан бир қатор аниқ тақлифлар киритилди. Улар нафақат моддий-техник ресурслари таъминоти бўйича, балки пойтахт тadbиркорлари томонидан чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисида янада кенгроқ маълумотлар олиш зарурлиги, мувофиқлаштирувчи кенгаш қошида хом ашё ва материаллар бўйича маълумотлар банкни ташкил этиш, МДХ мамлакатларида турли фирмаларнинг вакилликларини очилсин, сифат устидан назоратни ошириш, товарлар экспортни тизимини соддалаштириш билан боғлиқ тақлифлар эди.

Дамир ИСАЕВ.



Қурилиш майдонидаги суҳбат.



Сергели туманидаги молия лицейи биноси.

Сергей Любич олган суратлар.

Ўрта Осиё халқларининг, шу жумладан, ўзбек халқининг қўлаб фарзандлари азал-азалдан кўп соҳаларда юксак тараққиёт босқичига эришиб, жохон илм-фанига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келдилар. Бу юртда етишиб чиққан Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари олимлар, Алишер Навоий, Хондамир, Мирзо Бобур, Машраб, Муқимий, Фуркат, Аҳмад Доғиш каби мутафаккирлар яратган буюк мерос, ҳазина авлоддан авлодга ўтиб, ҳанузгача башариятга хизмат қилмоқда.

Аждодларимиз томонидан ёзиб қолдирилган қўлёзма асарлар, нобъ манбалар ва нодир китоблар Ватанимиз, халқимизнинг ўтмиш тарихини ўрганишда қимматбаҳо ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Аждодларимиз яратган, тўплаган бой тарихий, маданий, илмий меросдан бизнинг даврларимизгача етиб келганлари ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида, Мирзо Улуғбек номидидаги Ўзбекистон Миллий университети ва шунингдек Бухоро, Хива, Самарқанд, Қўқон, Тошкент шахар музей ва кутубхоналари фондларида эҳтиёткорлик билан сақланиб келинмоқда.

Алишер Навоий номли Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси ва ундаги «Нодир китоблар» сақланаётган бўлим ҳам бой маънавият хазиналаридан бири ҳисобланади. Бўлимнинг очилганига ярим асрдан ошди, шу йиллар ичида у юртимиз тарихи бой маданий меросига доир жуда кўп манбалар билан китобхоналарни илм зиёиси билан баҳраманд қилди. Бўлимда 15 мингдан ортиқ қимматбаҳо китоблар, қўлёзмалар ва нобъ китоблар, фотоальбомлар, тарихий хариталар-авайлаб сақланмоқда ва улар ўлкаимиз тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Бу бўлимда сақланаётган ва кўп қабатли тadbиркорлар олимлар эътиборини ўзига тортадиган халқаро тарихий аҳамиятга молик бўлган 594 жилдан иборат «Туркистон тўплами» алоҳида ўрин тутади. Бу нобъ мажмуада рус, инглиз, француз, испан, немис, италия, лотин ва араб тилларида чиқарилган газета-журналлардан олинган илмий мақолалар ҳамда кизикарли маълумотномалар жамланган. Тўпلامга кирган ўн мингдан ортиқ мақола ва асарлар Ўрта Осиёнинг хоризм томонидан истило қилиниши, ўлқанинг ижтимоий-маданий ҳаёти, иқтисодий аҳоли, иқлими, табиати, ҳайвонот дунёси, сув иншоотлари, деҳқончилик тўғрисида ҳикоя қилади. Булардан ташқари, тўпلامда маҳаллий халқлар маданияти, урф-одатлари, миллий муносабатлар, жумладан савдо алоқалари, элшунослик лавҳалари рус ва чет эл сайёҳлари ёзиб қолдирган эсдаликлар, қимматли географик маълумотлар, қадимшунослик қазилмаларнинг натижалари ва бошқа тарихий асарлар мужассамлаштирилган. Ушбу мажмуада Афғонистон, Хиндистон, Эрон, Туркия, Хитой, Мўғулистон, Шарқий Туркистон ва Осиё мамлакатларига оид

турли тарихий маълумотлар борлиги, унинг халқаро илмий аҳамиятини янада оширади. Шу боисдан ҳам мазкур нобъ тўпلامдан фойдаланиш учун барча МДХ мамлакатлари ва хоржий давлатлардан илмий тadbиркорчилик, олимлар бу ерга тез-тез келиб турадилар. Кутубхонада ўта нобъ бир альбом эҳтиёткорлик билан сақланмоқда. 1871-1872 йилларда олинган

Зиё масканларида МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИ

фотосуратлар ва рангли расмлардан тузилган бу альбом юртимиздаги тарихий жойлар ва тарихий-меъморий обидаларни ўрганишда қимматли манба ҳисобланади. Табиий офатлар вақтида ҳамда хоризм босқини даврида вайрон қилинган ва ном-нишонсиз йўқотилган тарихий обидаларнинг айрим рангли расмларини айна шу альбомдан топиш мумкин. Бу альбомнинг 447 қардон варағида 1262 фотосурат жойлаштирилган. Умуман элшунослик, қадимшунослик, ҳунармандчилик ва тарих бўлимларини ўз ичига олган бу мажмуа XIX асрнинг иккинчи ярмида халқимизнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, турли миллий урф-одатлари, маросимлари, шахар ва қишлоқ ҳаёти, ҳунармандчилиги, савдо-сотик тарихи билан таништиради. Кутубхона хазинасида тарихий-меъморий обидаларнинг 1900 йил халқаро Париж кўргазмасида, 1890-1909 йилларда Туркистон ўлка кўргазмаларида намойиш этилган ва юксак баҳоланган рангли фотосуратлари ҳам сақланмоқда. Шунингдек, кутубхонада «Туркистон виллоятининг газетаси», «Туркистанские ведомости» (1870-1916 йилларда чоп этилган), «Улуғ Туркистон» (1917-1918), «Садои Туркистон» (1914-15), «Садои Фарғона» (1914-1915), «Иштирокион» (1918-1920) ва бошқа тарихий нашрларнинг таҳлавлари, жохон халқларининг турли тилларида чоп этилган асарлари билан ҳам танишиш мумкин. Зиё масканида шу ўтган 130 йил мобайнида тўплаган ва авайлаб сақлаб келинаётган маънавий бойлигимиз энг талабчан ўқувчининг ҳам эҳтиёжини қондира олади.

Маънавият хазинаси ҳисобланган кутубхонанинг «Нодир китоблар» бўлимининг узок йиллардан бери тарих билимдони Раҳимжон Файзул-

лаев бошқариб келмоқда. У шу йиллар мобайнида бўлимда сақланаётган нобъ китоблар, қўлёзма асарлар, тарихий фоторасмлар, хариталарни эҳтиёткорлик билан асраш ҳамда бўлим фондини янги китоблар, тарихий манбалар, қўлёзма асарлари ҳисобига тўлдириш билан бирга бу ердаги 1870-1925 йилларда нашр этилган газеталарда эълон қилинган мақолаларнинг картотекасини тузиб чиқди. Шу билан бирга бир неча тилларнинг билимдони Раҳимжон Файзуллаев илмий изланишлар ҳам олиб бориб, юртимизнинг ўтмиш тарихи, маданияти, бой маданий мероси, озодлик ва мустақиллик учун курашган ватандошларимиз ҳаёти ва фаолиятига доир 60 дан ортиқ илмий-публицистик мақолаларини матбуотда эълон қилди. Раҳимжон китобхоналар улар шахарданми, Республикамизнинг бошқа жойлариданми, ҳатто хоржий мамлакатлардан келганларга — ҳаммасига китоблар танлашларида, илмий изланиш олиб бораётган бўлажак ёш олимларга ҳам яқиндан ёрдам бериб, улар хурматига сазовор бўлиб келаётган инсонлардан бири.

Маънавият хазинаси, яъни кутубхона республика меҳнаткашларини, айниқса ёшларни мустақил фикрлаш қобилиятини ҳаракатга келтириш ва ривожлантиришчи воситадир. Биз китоб ўқиш орқали қадриятларимиз, урф-одатларимиз, қадим меросимизни чуқур ўрганиб бораемиз. Ёшларни мустақил юртимиз мустақиллигини мустақамлайдиган, тилимиз, адабиётимиз, тарихимизни чуқур ўрганиб, умуминсоний ва миллий қадриятларни эълонлайдиган билимни, одобни ва маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялаш бугунги куннинг асосий вазифасидир. Ёшларимиз ўз устиларини тинмай ишлаб, ижодий изланишлари, мустақил фикр юритишлари, кундалик янгиликлардан хабардор бўлиб боришлари даркор. Бунинг учун кўпроқ китоб, журнал, газета ўқиш, радио ва телеэкранга кўпроқ қараб боришлари керак бўлади. Миллий маданиятимиз, маънавиятимиз, урф-одатларимиз қайта тикланаётган бугунги кунда китобларнинг аҳамияти жуда катта. Зиё маскани бугунги кунда ўқувчи-ёшларнинг энг сеvimли жойларидан бирига айланган қолган. Демак, ёшларнинг маънавий дунёсини бойитишда китобларнинг аҳамияти беқийсдир. Кутубхона фондидаги китобларни ёшлар орасида тарғиб қилишда ҳамда уларни илм зиёиси билан баҳраманд этишда кутубхонанинг ўз ишининг билимдонлари қаторида зиёкор Раҳимжон Файзуллаевнинг ҳам муносиб ўз ўрни бор.

Истиқлолимизнинг 9 йиллик байрами муносабати билан кўп йиллик самарали хизматлари муносиб тақдирланиб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлими мудири Раҳимжон Файзуллаевга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданий ходими деган фахрий унвон берилди. Биз уни шу юксак унвон билан табриқлаб, бундан кейинги ишларига муваффақиятлар тилаймиз. Рашид БОЙТУЛЛАЕВ.

Қурилиш ТЕЗ КУНЛАРДА ТОПШИРИЛАДИ

Пойтахтимизнинг Бехтёров ва Гайдар кўчалари чоррахасида бунёд этилган замонавий ва шинам турар жой биноси тез кунларда фойдаланишга шай қилиб қўйилди.

«Ўзуйжойхажмарбанк»и буюртмасига асосан қурилаётган ушбу ўй 48 та бахтли хонадон соҳибларини ўз бағрига олади. 4 қаavatли ушбу 3-ўйини «Ўртаосиётранскуриллиш» трестига қарашли 733-қурилиш-тиклаш поезди бунёдкорлари қурдилар. Шунингдек, бу қурувчилар билан биргаликда 616-623-қурилиш-тиклаш поезди бунёдкорлари бунёдкорлари, «Товкан» хусусий фирмаси сантехниклари ҳам меҳнат қилишди.

— Уйни бунёд этишда қурилиш-тиклаш поездининг 80 нафардан зиёд қурувчиси иштирок этди, — дейди ишбоши Хайрулла Раҳимжонов. — Шунга айтиш лозимки бу қураётган уйимизда хонадон эгалари учун барча қулайликлар эътиборга олинган. Шу боис ҳам қурувчиларимиз уни лойиҳа асосида сифатли қилиб баҳаришга асосий эътиборни қаратишди. Эшик ва дераза ромларининг замон талабларига жавоб бериши, катта ва кичик айвонларнинг яшовчилар дидига мослиги, хоналарнинг кенг ва шинамлиги хонадон эгаларини мамнун этиши, табиий, албатта. Уйлар 3 ҳамда 4 хонадон иборат, катта айвон 8,60 метрга 2,40 метрни ташкил этади. Қурувчиларимиз қурилиш материалларидан унумли фойдаланишди. Асосий мақсадимиз эса биз қурган уйлардан одамларнинг кўнгли тўлсин, яйраб-яшнаб яшасинлар.

Ушбу бинони тиклашда замонавий техникалардан ҳам унумли фойдаланилди. Қурувчилар эса маҳоратларини ишга солишиб, тиклаш ва пардозлаш ишларида жонбозлик кўрсатишди. Айниқса, Уктам Худойбердиев, Зухриддин Қаландаров, Иван Фецов сингари қўли гул бунёдкорлар самарали меҳнат қилишди. Шунинг кувонарлиқи, уларнинг меҳнатлари эвазига қад ролтаган уйда бахтиёр оилалар яшайди. Ана шунинг ҳис этиб меҳнат қилиш бунёдкорларга янада ғайрат ва шижоат бағишлади. Дилноза ГИЁСОВА.

*Эй кўнгул, келким, бало базмида жами гам тутай,
Уз қаттиқ ҳолимга ўлмасдин бурун мотам тутай.*

*Йиғлабон бошимга оҳам дудидин чирмаб қаро,
Мотамим эл сўнгра тутқунча, ўзум бу дам тутай.*

*Олам аҳлига неча қилдим вафо, кўрдум жафо.
Эй кўнгул, келгимки, тарки жумлайи олам тутай.*

Эмдиким, шират сурудидин очилманг, эй кўнгул,

Навха оҳангин тутуб, бир дам сени хуррам тутай.

*Мастликдин ўзга йўқ дардим иложи, соқиб,
Май кетурким, ҳам ичай бир лаҳза они, ҳам тутай.*

*Кўйил, эй носихки, муг дайрида ўз аҳволимга,
Мастли лояққил ёқам ийртиб, суруди гам тутай.*

*Чун жаҳон бирла жаҳон аҳлига йўқ эрмиш бақо,
Эй Навоий, мен фано сарриштасин маҳкам тутай.*

«ЭЙ КЎНГУЛ, КЕЛКИМ, БАЛО БАЗМИДА ЖОМИ ГАМ ТУТАЙ...»

(Бир ғазал шарҳи)

Навоийни ўрганамиз



560

Етти байтли бу ғазал аруз вазининг рамали му-саммани мақсур баҳрида ёзилган бўлиб, мазмунига кўра орифонандир. Анъанавий руҳда яратилган мазкур асар замирида ишқ фалсафаси, оннинг борлиққа бўлган муносабати масаласи ўз ифодасини топган.

Май, кўнгул, соқиб, қадаҳ, хум ва маҳбубга ҳасби ҳол қилиш анъанаси Навоий даври адабий муҳитидаги ва қолаверса мумтоз адабиётдаги олий босқич бўлиб, бу ҳолат фақат орифларгагина хос бўлган фазилатлардан биридир. Бугун биз таҳлил қилмоқчи бўлган ғазалда ҳам кўнгул билан жон мулоқоти баён қилинган.

Кўнгул чуқур фалсафий тушунча бўлиб, тафаккур саждагоҳи ақл ва онгни бошқариб турувчи мўъжиза-кор кудратдир. Ҳақ висолига талпиниш тафаккур саждагоҳига бош кўйишдан бошланади. Таъбир жоиз бўлса, айтиш керакки ақл ва кўнгул қарама-қарши кутб. Абу Абдулло Ғаззолийнинг эътирофи эътиҳоти, кўнгул инсониятнинг билиш фаолиятидаги энг биринчи мамлакат ёхуд маскан. Бу жиҳатдан келиб чиқадиган бўлса, кўнгул моҳият, ақл эса унинг махсули, ишқ ҳосиласи демакдир.

Чунончи улуг шоирнинг кўйидаги мисралари ҳам масаласга бирмунча ойдинлик киритади:

*Қабак оламнинг ўлуб қилбаси,
Қадри йўқ андоқки кўнгул каббаси.*

Ислол дини ақидаларига қатъий риоя қилган шоир кўнгулни олам каббасидан устун кўйишга қандай журъат қилди экан?!

Кўнгул — тасавуфда Ҳақ нури жамол кўрсатадиган кўзгу, инсонга ато этилган илоҳий шохнеъмат сифатида тушунилади. Сўфийларнинг кўнгул билламини (каъбаи сувратни рад этмай туриб) дейишлари табиий бир ҳолдир. Инсон ва ҳудо ўртасидаги воситачилик кўнгулнинг энг мухтастар шарҳидир. Хазратнинг:

*Эй кўнгул, келким, бало базмида жами гам тутай,
Уз қаттиқ ҳолимга ўлмасдин бурун мотам тутай,*

мисралари билан бошланувчи ғазаллари изчил ман-тиқий хулосаларга бой бўлиб, абстракт ишқ инъикосидир. Магълаъ ғазалдаги фикрлар умумлашмаси, ғоялар йиғиндиси тарзида юзага чиққан. Магълаъдаёқ лирик қаҳрамон «мен» кўнгулни мулоқотга чорлайди, ўзини закийликдан Комил Инсон даражасига қутарилишида суяниқ бўлишни сўрайди. Бу ўринда «бало базми» иборасига эътиборни қаратмоқ жоиз. Шоир наздида тириклик — «бало базми». Қуръони Каримнинг Валфажр ҳамда Наҳл суралари фикримизни асос-лаш учун далил бўла олади. «Улар жон-жаҳдлари билан: «Оллоҳ ўлган кишиларни қайта тирилтирмайди», деб Оллоҳ номига қасам ичдилар. Йўқ! (Албатта тирилтирур.) Бу зотнинг ҳақ ваъдасидир. Лекин одам-ларнинг кўплари (бу олам имтиҳон олами эканини асл абдий ҳаёт қайта тирилгандан сўнг бўлишини) бил-майдилар». (Наҳл сураси 38-оят).

Хулосавий мазмун шуки, тириклик омонат ва у қавми бараҳанининг синови, имтиҳонидир. «Жами гам» — бу жами ваҳдат, Ҳаққа бирлашмоқнинг бир йўлидир. Қалб эса бу йўлда қадаҳга айланмоғи шарт. Ўз-ўзига мотам туттиш, «ўлмасдин бурун ўлиш» фалсафаси ишқ ибтидоси, «бало базми»дан кутулиш ёлғиз маъшукқа яқинлашмоқнинг белгисидир. Шундай қатъий хулоса-га келган лирик қаҳрамон ўз руҳий олами, кечинмалари-ни узвий давомийликда кетма-кет образли баён қилади:

*Йиғлабон бошимга оҳам дудидин чирмаб қаро,
Мотамим эл сўнгра тутқунча, ўзум бу дам тутай.*

Адабиётнинг асоси қалбнинг туб-тубида яшаётган инсоний Армон. Бу шунчаки дунёвий хою ҳаваслар ортидан югураётган кимсанинг эмас, ер юзиде сар-гардонликка ҳукм қилинган Бани Одамнинг ўзлигини соғиниши, асл Ватанга қайтишга интилишидир. Мана шундай соғинч натижаси ўлароқ тўқилган кўз ёш риё-затнинг энг юксак завқи, қалбнинг покланишидир. Бу ўлим шу қадр ботинийки, аввало у инсоннинг кўнгул хотиржамлигида, руҳ кенглиги ва юксаклигида ҳис қилинади. Шунинг учун мотам — «нафс»ни қурбон қилиб парвозга шайланган кўнгулга тегишлидир. Мотамдаги қаролик ҳам бегона эмас, балки ошиққа дах-

лдор. Кўз ёш билан ҳамнафас юракка сиймағи отила-ётган «оҳнинг дуди»дир. Бу фикр ва шаклнинг, сув-рат ва сийратнинг навоийна уйғунлигидир.

*Олам аҳлига неча қилдим вафо, кўрдум жафо,
Эй кўнгул, келгимки, тарки жумлайи олам тутай.*

Олам, «олам аҳли» ҳаммаша жафокор бўлган. Шу боис инсоний ёлғизлик одамзод кўнгулни ўртаб кел-ган. Уни Ҳаққа томон интилитирган. Ҳақ жилваланажак ёлғиз кўнгул ила ўз ўлимга мотам тутган ишқ сохи-зилатлардан биридир. Бугун биз таҳлил қилмоқчи бўлган ғазалда ҳам кўнгул билан жон мулоқоти баён қилинган.

Кўнгул чуқур фалсафий тушунча бўлиб, тафаккур саждагоҳи ақл ва онгни бошқариб турувчи мўъжиза-кор кудратдир. Ҳақ висолига талпиниш тафаккур саждагоҳига бош кўйишдан бошланади. Таъбир жоиз бўлса, айтиш керакки ақл ва кўнгул қарама-қарши кутб. Абу Абдулло Ғаззолийнинг эътирофи эътиҳоти, кўнгул инсониятнинг билиш фаолиятидаги энг биринчи мамлакат ёхуд маскан. Бу жиҳатдан келиб чиқадиган бўлса, кўнгул моҳият, ақл эса унинг махсули, ишқ ҳосиласи демакдир.

Чунончи улуг шоирнинг кўйидаги мисралари ҳам масаласга бирмунча ойдинлик киритади:

*Қабак оламнинг ўлуб қилбаси,
Қадри йўқ андоқки кўнгул каббаси.*

Ислол дини ақидаларига қатъий риоя қилган шоир кўнгулни олам каббасидан устун кўйишга қандай журъат қилди экан?!

Кўнгул — тасавуфда Ҳақ нури жамол кўрсатадиган кўзгу, инсонга ато этилган илоҳий шохнеъмат сифатида тушунилади. Сўфийларнинг кўнгул билламини (каъбаи сувратни рад этмай туриб) дейишлари табиий бир ҳолдир. Инсон ва ҳудо ўртасидаги воситачилик кўнгулнинг энг мухтастар шарҳидир. Хазратнинг:

*Эй кўнгул, келким, бало базмида жами гам тутай,
Уз қаттиқ ҳолимга ўлмасдин бурун мотам тутай,*

мисралари билан бошланувчи ғазаллари изчил ман-тиқий хулосаларга бой бўлиб, абстракт ишқ инъикосидир. Магълаъ ғазалдаги фикрлар умумлашмаси, ғоялар йиғиндиси тарзида юзага чиққан. Магълаъдаёқ лирик қаҳрамон «мен» кўнгулни мулоқотга чорлайди, ўзини закийликдан Комил Инсон даражасига қутарилишида суяниқ бўлишни сўрайди. Бу ўринда «бало базми» иборасига эътиборни қаратмоқ жоиз. Шоир наздида тириклик — «бало базми». Қуръони Каримнинг Валфажр ҳамда Наҳл суралари фикримизни асос-лаш учун далил бўла олади. «Улар жон-жаҳдлари билан: «Оллоҳ ўлган кишиларни қайта тирилтирмайди», деб Оллоҳ номига қасам ичдилар. Йўқ! (Албатта тирилтирур.) Бу зотнинг ҳақ ваъдасидир. Лекин одам-ларнинг кўплари (бу олам имтиҳон олами эканини асл абдий ҳаёт қайта тирилгандан сўнг бўлишини) бил-майдилар». (Наҳл сураси 38-оят).

Хулосавий мазмун шуки, тириклик омонат ва у қавми бараҳанининг синови, имтиҳонидир. «Жами гам» — бу жами ваҳдат, Ҳаққа бирлашмоқнинг бир йўлидир. Қалб эса бу йўлда қадаҳга айланмоғи шарт. Ўз-ўзига мотам туттиш, «ўлмасдин бурун ўлиш» фалсафаси ишқ ибтидоси, «бало базми»дан кутулиш ёлғиз маъшукқа яқинлашмоқнинг белгисидир. Шундай қатъий хулоса-га келган лирик қаҳрамон ўз руҳий олами, кечинмалари-ни узвий давомийликда кетма-кет образли баён қилади:

*Йиғлабон бошимга оҳам дудидин чирмаб қаро,
Мотамим эл сўнгра тутқунча, ўзум бу дам тутай.*

Адабиётнинг асоси қалбнинг туб-тубида яшаётган инсоний Армон. Бу шунчаки дунёвий хою ҳаваслар ортидан югураётган кимсанинг эмас, ер юзиде сар-гардонликка ҳукм қилинган Бани Одамнинг ўзлигини соғиниши, асл Ватанга қайтишга интилишидир. Мана шундай соғинч натижаси ўлароқ тўқилган кўз ёш риё-затнинг энг юксак завқи, қалбнинг покланишидир. Бу ўлим шу қадр ботинийки, аввало у инсоннинг кўнгул хотиржамлигида, руҳ кенглиги ва юксаклигида ҳис қилинади. Шунинг учун мотам — «нафс»ни қурбон қилиб парвозга шайланган кўнгулга тегишлидир. Мотамдаги қаролик ҳам бегона эмас, балки ошиққа дах-

Шаҳобиддин УРИНОВ,
аспирант.



Муносабат

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ ЁКИ ОНА ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Ислол дини инсонларни икки дунё саодатига эри-шишга ундайдиган илоҳий таълимотлари ўзда мужас-сам этган самовий динлар-нинг сўнгисига бўлган дин-дир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг «Моид» сурасининг 3-оятда шун-дай дейди:

«Бугун сизларга динин-гизни қомил қилдим, неъматини бениқсон, тўқиб қилиб бердим ва сизлар учун Ислолни дин қилиб танладим»

Бу оят орқали Аллоҳ таоло Ислол динининг ҳуқуқла-ри баёни поёнига етгани ҳақида айтган.

Ислол дини инсоният тарихидаги буюқ таълимотлар-дан бири бўлиб, доншман-длик, ҳижмат манбаидир. У эътиқод асосларини ўзда мужассам этган Қуръони кар-им — Аллоҳ таоло каломи мажидининг мажмуасидир.

Бу таълимот кишилик ҳаёти-даги ҳар қандай муаммолар-ни оқилол ва тинчлик йўли билан ҳал этилишига ҳижмат қилади.

Унинг илк даврлариданоқ табиат муҳофазаси, наботот ва ҳайвонот оламини ҳумоя қилишга қатъий эътибор бери-либ, мусулмонларни мана шу ҳайрли йўли даъват этиб келган. Аллоҳ борлиқки қатъий мезон билан яратган. Бу борада Қуръони карим-нинг «Равъд» сураси 8-оят-да:

«Унинг ҳузуринда барча нарсалар ўлчовлидир» — дейилади.

Биз ана шу ўлчовли нар-саларнинг мезонини бузди-дан бўлсақ, турли зарарлар кўришимиз табиий ҳолдир.

Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бусаса-сида: ҳарфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қарорлари» ном-ли китобларида шундай сатр-лар бор:

«Экологик ҳавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий до-ираларда кичиб, бутун инсо-ниятнинг умумий муаммо-сига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуний-лар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас эко-логик фалокатларга олиб келади»

Атроф-муҳитни, наботот ва ҳайвонот оламини асраб-авайлаш ва уни келажак ав-лодга етказиш барчамизнинг шарафли ва масъулиятли бурчимиз. Наботот олами Аллоҳнинг ер юзидеги ин-сонлар учун ато этган энг улуг неъматларидан бири бўлиб, бусиз ҳаётни тасав-вур этиб бўлмайди. Бу бора-да Қуръони каримда:

«Инсон ўзининг таоми-га (ибрат кўзи билан бир) қараб қўйсин-чи! Биз (осо-мондан) сув-ёғинни қуй-дирдик. Сўнгра ерни (ги-ёҳлар билан) ёрдик. Сўнг Биз ундан дон-дунни, ўзум ва кўклатларни, зайтун ва хурмоларни, қалин дарах-тзор боғларни, мева-чева-ю ўт-ўланларни сизлар учун ва чорва молларин-гиз учун манфат бўлсин деб қуйдик» (Ҳуд сураси, 10-оят).

Ислол дини бирон бир давлат, миллат ёки муайян гуруҳларга мансуб бўлмай, унинг ҳаётбахш таълимотла-ри, аввало, инсонни азиз му-каррам зот сифатида эъзо-злайди. Унинг маънавий ка-молотига ва ҳаётий манфаат-ларига ҳижмат қилади.

Инсон — Парвардигор яратган барча жонзотларнинг энг шарафли, азиз ва муқар-рам бўлиши билан бирга масъулиятли ва зиммасида муҳим вазифалари кўп бўлган зотдир. Қуръони кар-имда:

«Дарҳақиқат, Биз одам болаларини азизу муқар-лик ва денгизда юрадиган қилиб қуйдик, ҳамда ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик. Улар-ни ўзиниз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қуйдик», дей-илади.

Аллоҳ — инсонни яратиб, руҳ билан бирга унга ақл-ид-роқ бахш этган. Ақл, ҳушёр инсонлар зиммасида атроф-муҳитни тоза ва покиза сак-лаш ҳамда табиатни муҳофа-

ШАРҚ ДУРДОҚЛАРИ

ОЗ-ОЗ ҲАҚИҚАТ

ДОНО БУЛУР...

• Агар дунёда энг яхши лаззат мавжуд бўлса, билгинки у ҳам бўлса — қаноат лаззатидир. Қано-атли киши роҳат-фароғатда яшаши билан бирга бошқа кишиларга ҳам яхши муомалада бўлади, уларни ҳам ўзи каби шодлик сари етаклайди. Ҳақлар ҳам қаноатли кишини ҳурмат қилади.

• Унутмагинки, душман насиҳатига қараб иш тутмоқ хато, аммо нима демакчи эканини билиб қўймоқ фойдадан ҳоли эмас. Унинг айтганига қар-ши иш тутсанг тўғри юрган бўласан.

Бир доно айтадики, агар бирор кимсанинг ҳақиқий дўст ёки душманлигини билмоқчи бўлсанг, унга маслаҳат сол, берган маслаҳатининг тўғри ёки нотўғрилигига қара, шундан ўзингга те-гишли хулоса чиқариб оласан.

ХУРРАМИЙ.

• Ҳар ким бирор ишнинг талабиде қадам қўйса бу ишнинг қийинчиликларига чидаши керак. Мақ-сад қаъбаси сари йўлга чиққан одам заҳмат саҳ-росидан чўчимаслиги, ундаги бирча говларни ен-гиб ўтишга интилоғи даркор.

• Гийбат қабиҳ феъллардан биридир. Гийбат қанчалик оз бўлса-да, унинг келтирадиган зарари ва офати денгиз уммони келтири. Бирор киши-нинг орқасидан гапириш, айбини топиш, ёмон-лаш, бола-чақаси, хотини, хулқи, бойлиги ҳақида бемаза фисқу фасод гапларни гапиришнинг бар-часи гийбат ҳисобланади. Ва бу гийбатчининг ўзи-ни ҳам балолар домига итареди.

• Бесабрлик одам бўлса инсонга,
Отган ўқи тегмас асло нишонга!

Ҳаёлиддин ал-ҲАСАНИЙ.

• Ҳақимлар айтадилар:
— бирор иш юзасидан маслаҳатлашмоқчи бўлсанг битта оқил киши билан маслаҳатлаш, кўпчиликка айтилган маслаҳатли иш нуқсондан холи бўлмайди.

Бир араб олимиди:
— Ақлдан улкан бойлик, нодонликдан катта бах-тсизлик ва маслаҳатдан кучли суянчиқ йўқ! — де-ган эди.

• Саҳий одам душманлик ва адоватдан қочган, ўз қалбиде муҳаббат содақатга йўл очган бўла-ди. Саҳий киши мисдан ясалган кўзага ўхшайди: тез тайёрланади-ю аммо узок вақт ўз эгасига ҳиз-мат қилади. Очқўз киши сопол идишга ўхшайди: уни ясаб қийину, лекин узокқа етмай тез сини-ди.

ЮСУФИЙ.

• Илмли киши ҳазина бўлса, унинг қалити са-волдир. Савол билан илм ҳазинаси очилади ва ундан кўп нарса ўрганилади. Афлотун ҳақимдан:
— Шунча илмини қандай ҳосил қилдинг? — деб сўрадилар.

У мулоҳаза билан жавоб беради:
— Илм ўқитган пайтларимда ёндирган чироқ мойини ҳисобласанг еб-ичган нарсаларимдан кўпроқ бўлади. Бундан билиб олиш мумкинки, вақтни еб-ичиш ва ўйнаш қайфу сафоба сарф-лашдан кўра илмга сарфлаш зарурроқ экан.

• Кишиларга улардан аввалроқ салом бериш-га шошил, бу улуг кишиларнинг энг олий фази-латларидан бири бўлиб, қамтарлик нишонлари-дан биридир.

• Ҳар ким билан, у қандай одам бўлишидан қатъи назар, очик ўзлилик билан сўзлаш!

• Азизим, душманнинг узрнамо сўзларини эши-тиб ғурур отига мингаворми, у қанчалик тамаллук қилмасин, яъини ёлғормасин, барибир унинг сўзлари макру ҳийладан холи бўлмайди.

Адоват ниҳоли унинг сийнасида барқарор экан, бу ниҳолнинг меваси зарардан ўзга нарса бўлмай-ди.

Байт:
*Душманга ишонмоқ самараси гам,
Ғафлат тухумин экан тортажак алам!*

• Ҳар ким ҳақиқий доно, ақл эгаси деб билган киши бир ишга киришишдан аввал агар у шу ишнинг устаси бўлган тақдирда ҳам бошқа киши-лар билан маслаҳатлашадди. Чунки ўз ақлига бино қўйган киши адашадди, ўз тадбирига ишонган киши тубанлик сари кетади.

• Ақлли одам шундай одамки, қийин вазият-дан осонгина кутулиб кетади. Доно шундай одам-ки, қийин вазиятга асло тушмайди.

Ҳар бир халқнинг ақли ўз замонасига нисбатан бўлади.

Ақлли киши қадр қамол, нодон киши эса дав-лату мол қидиради.

Ва шу йўлда ўзини ўзи абгор этиши ҳам ҳеч гап эмас.

• Эй азиз, агар сен ўзгалардан яхшилик кўрай десанг, фақат яхшилик қил! Бу ҳақда шундай дей-ишган:
*Дунёда топаин десанг омонлик,
Бирова заррача қилма ёмонлик!*

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.



Шаҳримиздаги 468-болалар боғчасида фарзандларимиз қалбига мусиқа сирларини олиб киришга ҳам катта эъти-бор берилмоқда. Диктантинга ҳавола этилаётган ушбу суратда болаларга мусиқа сирлари тушутирилмоқда. Равийль Альбеков олган сурат.

БОЛАЖОНЛАРГА

СОВГА


Йўлдош Охунбоев номидagi Ёш томошабинлар театри жамоаси 72-масвумни бошлади.

Масвум очилишида болажонлар учун «Алломиш» халқ

Театр

достони асосида яратилган «Ога-ини ёт бўлса» номли спектакль кўйилди. Бу спектакль Нозим Тулаҳужаев сценарийси асосида Авлиқули Ҳожақулиев томонидан сахналаштирилди.

Ушда маънавий кадрларимизни ўрганиш, тўғрилиқ, мардлик, жасурлик, Ватанга муҳаббат туйғусини тараннум этган бу спектакль нафақат болаларда, балки катталарда ҳам яхши таассурот қолдирди.



Фарзанд кулгуси нақадар бегубор...

Равиль Альбеков олган сурат.

Билиб қўйган яхши «КЎҲИНУР» ОЛМОСИ ҲАҚИДА

«Кўҳинур» (жаҳон — олам нури) олмоси ҳақида эшитмаганлар кам бўлса керак. У Ҳиндистоннинг Голконда олмос қонидан тахминан XIII асрда топиладиган бўлиб, дастлабки оғирлиги 800 карат (карат — 0,2 граммга тенг) бўлган. Бу олмос ҳақидаги ривоятга мурожаат қиламиз.

Бобурнинг ўғли Ҳумоюн Ҳиндистондаги юришларда қатнашган пайтда ҳинд рожаларининг оналаридан бири Ҳумоюнга «Кўҳинур» олмосини совға қилади ва ундан бутун қабили, қавм-қариндошларга, уларнинг мол-мулкига тегмаслиқни илтимос қилади.

1739 йили Эрон шоҳи Нодир Ҳиндистонга юриш қилиб, катта ўлжалар билан Исфохонга қайтди. Хазиналар ичида «Амир Темури ёқути» билан «Кўҳинур» олмоси ҳам бор эди. 1747 йили Нодиршоҳ ўлдирилгандан кейин Исфохонда галаён бўлиб, бутун бойликлар афғонистонлик Аҳмад Абдали қўлга ўтади. У барча хазиналарни Қандаҳорга олиб келиб, Дур Даврон номини олиб, 1773 йилгача подшолик қилди.

«Кўҳинур» олмоси табиатда жуда кам учрайдиган қўринишда бўлганлиги учун жуда қадрланади. Унинг ҳаддан ташқари тиниқлиги, шаффофлиги, табиат ҳали бу қўринишдаги нодир олмосларни ҳада этмаганлиги сабабли унинг баҳоси бебаҳодир. У қўриниши билан жаҳонда иккинчи ўринда туради.

Англия Ҳиндистонни ўз мустамлакисига айлантурғунча, яъни 1849 йилгача машҳур олмос Тошохонда эди. Ҳиндистондаги барча тарихий, мезморчиликка мансуб буюмлар ва бошқа бойликлар Ост-Индия компанияси қўлга ўтади. Компания топшириғи билан лорд Далхаузи 1850 йилнинг 3 июнида «Кўҳинур»ни Англия қиролчаси Викторияга совға қилади. Бу олмос Лондоннинг Гайд Паркида 1851 йили ўтказилган энг катта кўргазмада намойиш этилди.

Қиролчица Виктория авваллари олмосни тўғноғич сифатида тақиб юрди. Машҳур «Гаррад и К» фирмаси «Кўҳинур» олмосини Англия қиролчаси Елизаветанинг қироллик тожига доимий қилиб ўрнатди.

Шундай қилиб, машҳур «Кўҳинур» олмоси Буюк Британия қироллик ҳокимиятининг рамзи бўлиб қолди. Кейинги ишловлардан, тарашлардан сўнг оғирлиги 106 каратга тушди.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД.



Ёш қаратэчи.

Сергей Любич олган сурат.

Саломатлик БУЙРАК «ТУШАДИМИ»?

Аҳён-аҳёнда бемор кишилар орасида «Дўхтурга борсам буйрак тушибди, шу боис оғрик бор» — деган гап юради. Қизик, буйрак ҳам тушадими?

Дарҳақиқат шундай. Буйрак ҳам тушар аҳуд қўзғалувчан бўлиб қолар экан. Буни тиббиётда нефроптоз деб аташади. Гарчи бу ҳолат зарарсиздек кўринсада бу вазиятни тўлдириб, бошқариб бораётган бўлса, жарроҳлик муолажасининг ҳолати йўқ. Худди шунинг учун ҳам жарроҳ-урологлар операция қилиш зарур деган қарорга келишдан олди, вена қон томирларида қон оқиши сусаяди. Артерия қон томирининг буралishi буйракда қислород етишмовчилигини юзага келтиради. Бундан ташқари буйракнинг айланishi ва унинг жуда пастга тушиши бир қатор кўнгилсиз ҳолатларни юзага келтиради. Беморнинг қовурғаси остида қизиш ёки бутун танада, айниқса бошдаги оғриклар безовта қилади. Уйқусизлик, хотиранинг псайиши кузатилади. Шу билан бирга, қон айланishiнинг бузилиши оқибатида буйрак қатор реакцияларга сабаб бўлувчи гормон ишлаб чиқара бошлайди. Кейинчалик бу гормон инсоннинг бутун танасида артериал босимнинг ошиб кетишига олиб келади. Ва қаредки, қислород етишмовчилиги содир бўлса, уш ерда инфекция осоллик билан қўя бошлайди. Пешоб чиқариш бузилади. Буларнинг бари пиелонефритни вужудга келтиради. Яна асосат шундан иборатки, суюқлик кам истеъмол қилувчи кишиларда буйракда тош ҳосил бўлиши мумкин. Пировардида асосатларнинг ҳар бири нефроптозни жарроҳлик йўли билан даволаш зарурийтини тугдиради.

Хуллас, буйракнинг қўзғалувчанлиги (у билан ёнма-ён бошқа касалликлар кечмаётган бўлса) бу дард эмас. Бу ҳолат, бу вазиятдир. Агар киши танаси бу вазиятни тўлдириб, бошқариб бораётган бўлса, жарроҳлик муолажасининг ҳолати йўқ. Худди шунинг учун ҳам жарроҳ-урологлар операция қилиш зарур деган қарорга келишдан олди, вена қон томирларида қон оқиши сусаяди. Артерия қон томирининг буралishi буйракда қислород етишмовчилигини юзага келтиради. Бундан ташқари буйракнинг айланishi ва унинг жуда пастга тушиши бир қатор кўнгилсиз ҳолатларни юзага келтиради. Беморнинг қовурғаси остида қизиш ёки бутун танада, айниқса бошдаги оғриклар безовта қилади. Уйқусизлик, хотиранинг псайиши кузатилади. Шу билан бирга, қон айланishiнинг бузилиши оқибатида буйрак қатор реакцияларга сабаб бўлувчи гормон ишлаб чиқара бошлайди. Кейинчалик бу гормон инсоннинг бутун танасида артериал босимнинг ошиб кетишига олиб келади. Ва қаредки, қислород етишмовчилиги содир бўлса, уш ерда инфекция осоллик билан қўя бошлайди. Пешоб чиқариш бузилади. Буларнинг бари пиелонефритни вужудга келтиради. Яна асосат шундан иборатки, суюқлик кам истеъмол қилувчи кишиларда буйракда тош ҳосил бўлиши мумкин. Пировардида асосатларнинг ҳар бири нефроптозни жарроҳлик йўли билан даволаш зарурийтини тугдиради.

Мирзаамир МИРЗАШАРИПОВ таяёрлади.

БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДА ГАПЛАР

- «Дўстимиз Кўзибой директори Кўчқорга қўй тўғри-сида гапиргани учун ишдан ҳайдалди». (Чойхонадаги гапдан).
«Хар бир синф ўқувчиларига Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини бўлиб бердик». (Мактаб директорининг гапидан).
«Харидор, адашманг, шу молни олаверинг, мен шеригим билан битта одамман». (Сотувчининг гапидан).
«Хужумчи аниқ тўпни киритди». (Футбол репортажидан).
«Доскага қулқ солдинг». (Ўқитувчининг гапидан).
«Илгариги жұрабoshiлар бўзани косада сузгани учун «косуғули» дейилар эди, ҳозир арақ пиелага қўйилади. Шунинг учун уни «пиелагули» деб атасак». (Улфатчиликдаги таклифдан).
«Бошингни олиб кир». (Навбатчи ўқувчининг гапидан).
«Феруза, сен ўз «жамият-ингга қара». (Жамиятшунослик ўқитувчининг гапидан).
«Сахалин — бешинчи кабинага кiring». (Шаҳарлараро телефон станциясидаги эълондан).
«Менга ҳам осон эмас, сундан пул ясашининг ўзи бўлмайди». (Кассобнинг гапидан).
Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

Зарофатхонларникида бугун хар кунгидан ўзгача кун. Ховлилар супурилган-сидирилган, сувлар сепилган. Ҳаммаёк саранжом-саришта. Айвон олдидаги сўрига духоба кўрпачалар тўшалган, дастурхон ноз-неъматлар билан тўлатилган.
ЗАРОФАТ ОПА: Хой, Нозимахон, теъда сомсани тандирга ёпақолинг, ҳадемай Каромамтон аммангиз ҳам келиб қоладилар.
НОЗИМАХОН: Хўп бўлади, ойижон.
Шу пайт кўча эшиги очилиб, ясанган-тусанган, зеб-зийнатларга бурканган Каромамт амма кириб келадилар.
КАРОМАТ АЯ: Хай, бирон киши борми бу уйда?
ЗАРОФАТХОН: Вой, қадамларингизга хасанот, келинг, келинг, ҳаммамиз ҳам уйдимиз.
Амманинг овозини эшитиб, келинлар, ўғиллар, набиралар югуриб аммага пешвоз чиқадилар ва қучоғига отилиб, ўраб оладилар. Амма бу ҳолатдан хурсанд ҳолда сўри томон юради. Сўрига кўтарилиб, тўрага чиқиб жойлашади. Қолганлар ҳам бирин-кетин сўрига чиқиб ўтирадилар. Дугога қўл очилиб, фотиҳа тортилади. Қол-аҳвол сўрашилиб, гап айланиб, кенжа ўғил — Асадбекнинг тўйига келиб тақалади. Келинлар, болалар ўз ишлари билан тарқаладилар. Сўрида фақат Каромамт ая ва Зарофатхон қоладилар.
КАРОМАТ АЯ: Зарофатхон, бу Асадбекнинг тўйини бу йилдан қолдирманглар. Бирон бир жойни кўзлаганмисизлар, ўзи?
ЗАРОФАТХОН: Бир-икки жойга бордик, лекин бир жойга тўхтамаг келганимиз йўқ.
КАРОМАТ АЯ: (тутуқиб) Хай, келин, бунчама ўжар одам бўлмасангизлар-а. Сизларга юз марта айтдим, укам Шокирбекнинг қизига совчи қўйинглар деб. Сўзимга қулқ солгиларинг келмайди. Олдиндан оқан сувнинг қадри йўқ-да. Қайси қиздан камчилиги бор экан. Қадди-қомати келишган, юзлари ойдақ, қошлари ёйдай, сўзлари мовдай. Номни қичқан тикучи, отини айтсанг етти маҳалла билади. Ҳамманинг оғзида бўлса-ю, сизлар ноз қилиб ўтирсаларингиз.
ЗАРОФАТХОН: Опажан, тушунсангиз-чи, Назоқатхон бизгама жуда ёқди. Унга бизнинг ҳам ҳавасимиз келди. Мен ҳам оруз қиламан Назоқатхондек қизни келин қилишни.
КАРОМАТ АЯ: Бўлмаса, нима гап? Нега ишни қўзиб келасизлар. Бир ёғи ўзимизники, ўз жигарингиз. Ахир, халқимизда «Қазисан, қартасан, асли наслинга тортасан», деган гап бор-ку. Ўзингни, ўзингни-ки-да. Мана қўшининг келини синемага-суриштирмай бегонадан қиз олиб ўтдек қўйди-қолди. Ойлада нималар бўлмайди, ўзингники бўлса ёлиб кетади. Бегонаси-чи қарнай қилиб қалади, ҳа деса уйига гап ташийди. Худо асрасин унақа кундан.
ЗАРОФАТХОН: Гапларингиз тўғри, лекин...
КАРОМАТ АЯ: (Зарофатга ўгирилиб ўтириб) Нима лекин? Лекинга бало борми? Бир томони ҳўжайинингиз Зокирбекка ҳам, иккинчи томони укам Шокирбекка ҳам маъқул бўлган бу гап. Галини қўзиб ўтирмадсан ўғлингиз Асадбекка ҳам тушунтирингизда Шокирбекни-кига совчи юборинг. Иримига ўғлингизни қиз билан бир марта қўриштирингиз, унаштириб қўйинг. Шу яхши ният билан шу Соғлом авлод йилида тўйини қилсак қандай яхши.
ЗАРОФАТХОН: Кошки эди, оғзингизга шакар. Лекин юрагим дов бермай турибди. Ака-уканинг фарзандлари ўртасидаги никоҳни ҳосиятсиз деб эшитганим, қайдам.
КАРОМАТ АЯ: Кўчанинг гапларига қулқ солиб, боланинг умрини ўтказиб юриш яхши эмас. Эрингиз келса ўзим яна бир гаплашиб қўяман. Бугун шу ишни бир ёғлик қилгани келганман, Шокирбек акангизнинг бу гаплардан хабарлари бор. Бир марта совчи юборсангиз йўқ демайди. Ешларни бир-икки кўнгил учун учрашувча чиқариб, фотиҳа қилиб юборамиз.



ЗАРОФАТХОН: Бироз ўйлаб кўрсак, катта-кичикка маслаҳат солсак бўлармиди?
КАРОМАТ АЯ: Қачондан бери биронинг маслаҳати билан иш юритадиган бўлиб қолдингиз, шунча ўйлаганингиз етар.
(Зарофат кўзидagi ёшини яширишга уриниб, аяга чой қўйган бўлади).
...
Каромамт ая қисқа дуо билан фотиҳа тортиб ўрнидан туради.
Каромамт ая кетгандан бери Зарофатнинг ичига чироқ ёқса ёришмайди, қилар ишини билмайди, қўли ишга бормайди. Бу гапни қандай қилиб ўғли Асадбекка айтади. Ахир яқиндагина Асадбекнинг ўзи бир дўстининг қариндошига уйланиб, юрагидagi армонини сўзлаб берган эди-ку. Шу пайт эшик тақилаб, ховлига маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси кириб келади, Зарофатхон билан қўришиб, кўрпачага ўтирадилар. Фотиҳадан сўнг, хол-аҳвол сўрашадилар.
РАИСА: Ҳа, Зарофатхон, кайфиятингиз унчалик хўш кўринмайди? Нима, Зокирбек хафа қилдиларми?
ЗАРОФАТХОН: Э, опа сиз сўраманг, мен айтмай. Аммамиз Асадбекни худлик билан Шокир амакисининг қизи Назоқатга уйлантирасан, деб тикилин қилиб кетдилар. Қариндошлилик орасидаги никоҳнинг ҳосияти йўқ экан, деб тушунтирмоқчи бўлдим, аммо бефойда бўлди. Бошим гаранг, нима қиларимни билмай турибман.
РАИСА: Вой, Зарофатхон, мен сизга маҳаллада эртага ўтказиладиган бир тадбирнинг хабарини олиб чиққан эдим. Балки шу тадбирга бир амаллаб Каромамт аяни, Шокирбек акани ва оиласини, сизнинг оилангизни ҳам таклиф этиб олиб чиқаримиз.
ЗАРОФАТХОН: Раҳмат, опажан. Бир амаллаб олиб чиқишга ҳаракат қиламиз. Сиздан илтимос, сўбатларидagi кўпроқ қариндошлар орасидаги никоҳнинг зарари ҳақида гапирингиз, зора Каромамт аяга таъсир этса.
РАИСА: Келишдик.
...
Маҳалланинг йиғилишлар хонаси. Соғлом авлод йилига бағишланган адабий-муслиқ сўхбат ўтказилмоқда. Сўхбатни маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси қисқача кириш сўзи билан очди. Сўз навбати оилавий поликлиника шифокорига берилади. Шифокор ёшларнинг балоғат ёшига тайёрланиши, турли тибванлик, ичкиликбиллик иллатларидан сақланиши, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг зарари, келинларни ҳомиладорлиги пайтида оила аъзолари томонидан, айниқса қайнона томонидан қўллаб-қувватлаб туриш, тиббий назоратдан ўтиб турилишини айтиб, юқоридагиларга эътибор қилинмасо оқибати ёмон бўлишини уқдирди. Бугунги сўхбатдан айниқса Зарофатхоннинг кўнгли чоғ эди.
Тадбирдан сўнг раиса Каромамт ая, Шокирбекни, хотинлари билан Зокирбекларникига маслаҳатга киришга таклиф этди.
КАРОМАТ АЯ: Энди гап бундай. Айтилган фикрлар менинг кўзимни очди. Шу пайтгача чувварани хом санаб юрган эканман. Зарофатнинг гапига жон бор экан. Халғи шифокору ЗАГС ходимларининг гапларини ўз қулқларинг билан эшитдиларинг. Тўйга келса, Шокирбек, сен 2 йилдан бери эшитганингиз эълфини бузиб, қизингни сўраётган дўхтур йигитга розилик бериб юбор. Зокирбек, сен ўша ўғлинг кўнгил қўйган қизнинг уйига совчи юбор. Хуллас, тўй шу Соғлом авлод йилида бўлади. Тайёргарлигингни кўраверинглар. Зинқор базинқор қариндошлик никоҳига йўл берманглар. Юртимизда фақат соғлом фарзандлар туғилсин. Юртимиз доимо қудратли, фарзандларимиз доимо соғлом бўлсин.

Музаффар ЖАЪФАРОВ, маданият аълочиси.

Турфа олам ИЧИНГИЗДАГИНИ ТОПАМАН АФСОНА ЭМАС, ҲАҚИҚАТ
Григорасинг ажайиб турфа истеъдоди бор. У сизга бир метр масофада яқин турган бўлса сиз нима ҳақида уйлаётганингни бемалол айтиб бера олади.
Одамлар кўпроқ бир-бирларидан шубҳаланганларидан унинг олдига келадилар. Бир кун икки киши бир-бирининг ёқасидан бўғиб келиб қолдилар. Маълум бўлишча, улардан бири қўшинининг хотинига «хазиллашган» экан-у, буни хотин ҳам, бу қўшни ҳам инқор этишаётган экан. Шунда Григорасинг ҳалиги қўшинга яқинроқ турган ҳолда жабранувчи-га яна бир бошдан халғи гапларни қайтаришни сўради. Айёр топаган бу пайтда қўшинга хиёнат қилган одамнинг ичидagi бўлаётган «воқеа-ларни тингларди. Ҳамма гапни эшитиб, икковини алоҳида хоналарга олиб кирди-да, хиёнатчи қўшинга бундан бир неча минут аввал унинг ҳалидан ўтган нарсаларни аниқ айтиб берди. Григорасинг топқирлигига ҳайрон қолган «хазилкаш» бир оиланинг бузилиб кетишига йўл қўймаслиқни ўтиниб сўради. Иккинчи бундай иш қилмаслиқка сўз бериб, топқирга яхшигина пул ҳам узатди. Григорасинг аянинг устидан чиқиб қўшилари яраштирди.
Мирза ШАРИПОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР Sheraton Tashkent HOTEL & TOWERS «Шератон» меҳмонхонаси «Мафтун» гўзаллик танловини ўтказишнинг билдилари.
«Мафтун» — бу ширқ гўзал янги қўйфасини ишлаш, анъаналар ва замонавий билан уйғунлашганини унинг мафтункорлиги сирларини билганини иштишдир.
У хар томонлама билмига эва ва хар қандай либосларда ҳам гўзайди.
«Мафтун» танловининг босқичлари Тошкент шаҳрининг барча туманларида, хар қилучи филиал босқичи эва «Шератон» меҳмонхонасида ўтказилади.
Энг мафтункор ва гўзал қизинг гилаби қўйининг юри унинг қилмаётган тожиди акс этади. Қатнашчиларинг ёши 16 дан 24 гача, бўли эва 168 сантиметрдан кам бўлмаслиги керак.
Иштирокчилар ва ҳомийлар учун маълумотлар қўйидаги телефон ва факслар орқали берилади: 152-64-47, 56-81-94.
«Мафтун»: қизлар мафтункорлиги: танлови.
ИШГА МАРҲАМАТ!
Ўзбекистон Республикасидаги Америка Юристарлар Ассоциацияси ваколтонхонаси юридик соҳида учрашув, конференция ва семинарларни синқрон ва кетма-кет усулда таржима қила олиш малакасига эга шахсларни ишга таклиф қилади. Инглиз тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан инглиз тилига эва ва оғзаки таржимани юқори савияда бажариш талаб қилинади. Маълумотлар 152-65-50 факс рақами орқали қабул қилинади.
2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорати, жамоаси ва болалар касалликлари кафедрасининг ходимлари кафедра маслаҳатчи-профессори М.А.Мирзамухамедовга рафиқаси
Ҳолида Мусабоевна МИРЗАМУҲАМЕДОВАнинг вафот этганини муносабати билан чўкур таъзия изадор қилади.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.
Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.